# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2016 йил 18 август, № 160 (6595) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 17 август куни Оқсаройда Корея Республикаси давлат бошқаруви ва ички ишлар вазири Хон Юн Сукни қабул қилди.**





Давлатимиз раҳбари меҳмонни мамлакатимизга ташрифи билан қутлаб, Ўзбекистон Корея Республикаси билан стратегик шериклик муносабатларини юксак қадрлашини ва бу муносабатларни янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратишини таъкидлади. Ислом Каримов ушбу ташриф ўзаро манфаатли ҳамкорликни, айниқса, давлат бошқарувини янада такомиллаштириш ва «Электрон ҳукумат»ни жорий этиш соҳасидаги алоқаларни кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этишига ишонч билдирди.

Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэнинг 2014 йил июнь ойида Тошкентга ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2015 йил май ойида Сеулга давлат ташрифлари мамлакатларимиз ўртасидаги кенг кўламли ҳамкорликнинг ҳар томонлама, аввало, иқтисодий соҳада изчил ривожланишига янги суръат бағишлади. Ушбу ташрифлар якунига кўра, юздан ортиқ ҳужжат, жумладан, савдо-иқтисодий, инвестициявий, технологик ва молиявий соҳаларда ҳамкорликка оид умумий қиймати 9,5 миллиард АҚШ долларидан зиёд бўлган битимлар имзоланган.

Жанубий Корея Ўзбекистоннинг асосий инвестициявий ва технологик ҳамкорларидан. Мамлакатимизнинг кўп йиллик ишончли шериклари — Жанубий Кореянинг «ЖиЭм-Корея», «Кореан Эйр», «КОГАЗ», «Лотте», «ЖиЭс», «Поско-Дэу», «Самсунг», «Шингдонг», «Колон» каби етакчи компаниялари билан ҳамкорликда нефть-газ, электротехника, тўқимачилик соҳалари, қурилиш материаллари ва фармацевтика препаратлари ишлаб чиқариш борасида йирик инвестициявий лойиҳалар амалга оширилган ва бу ҳамкорлик изчил давом этмоқда.

Корея Республикасининг Ўзбекистон иқтисодиётига йўналтирган тўғридан-тўғри инвестициялари ҳажми 7 миллиард доллардан ошди. Мамлакатимизда Жанубий Корея инвестицияси иштирокида ташкил қилинган 440 корхона фаолият юритмоқда, 77 компанияси ваколатхоналари очилган.

Корея Республикаси Бош вазири Хван Гё Аннинг жорий йил май ойида Ўзбекистонга ташрифи чоғида Сурғил кони негизида Устюрт газ-кимё мажмуаси очилгани ва бу завод мамлакатларимиз ўртасидаги инвестициявий ҳамкорликнинг амалдаги ифодаси бўлганини алоҳида таъкидлаш даркор.

Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги ҳамкорлик доирасида Жанубий Кореянинг техник кўмагида Ўзбекистон Республикасида «Электрон ҳукумат» тизимини жорий этиш, ушбу соҳа мутахассисларини ўқитиш ва малакасини ошириш бўйича лойиҳа ҳаётга татбиқ этилди. «LG CNS» компанияси билан 2014 йил июнь ойида имзоланган ҳамкорлик тўғрисидаги меморандумга мувофиқ ташкил этилган «LG CNS Ўзбекистон» қўшма корхонаси «Электрон ҳукумат» тизими ҳамда мамлакатимиз иқтисодиётининг реал сектори учун ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқиш борасида фаолият юритмоқда.

Хон Юн Сук самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, Корея Республикаси Ўзбекистон Республикаси билан кенг кўламли ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантиришга тайёр эканини таъкидлади.

**ЎзА.**

Сарвар ЎРМОНОВ олган суратлар.




# ЭНЕРГЕТИКА МУСТАҚИЛЛИГИ

## иқтисодиётни жадал тараққий топтириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш гаровидир

Электр энергетикаси иқтисодиётимизнинг етакчи соҳаларидан бири ҳисобланади. Зеро, барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари таъминланиши, меҳнат унумдорлиги ошиши, аҳоли турмуш фаровонлиги ва ҳаёт даражаси юксалиши кўп жиҳатдан мазкур тармоқ истиқболи билан узвий боғлиқдир. Ўзбекистоннинг бой энергетика салоҳияти ҳамда самарали давлат бошқаруви мавжуд сув-энергетика ресурслари ва углеводород хом ашёсидан оқилона фойдаланиш, электр энергиясига бўлган талабни тўлиқ таъминлаш имконини беради.

Аммо мустақилликка эришгунимизга қадар электр қувватлари етишмаслиги туфайли республикамизга 1500 МВт.гача электр энергиясини четдан қабул қилишга тўғри келган. Оқибатда бутун энергетика тизими қўшни давлатлар ГЭС каскадлари иш режимига боғланиб қолган эди. Истиқлол йилларида энергетика мустақиллигига эришишга мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг муҳим омили сифатида жиддий эътибор қаратила бошланди. Соҳа ходимлари олдига ишлаб чиқаришга юқори самарали ҳамда замонавий технологияларни татбиқ этиш орқали электр энергиясини ҳосил қилиш, узатиш ва тақсимлаш харажатларини камайтириш, истеъмолчиларни электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш бўйича кўплаб вазифалар қўйилди. Шундан келиб чиқиб, тармоқда кенг кўламли модернизациялаш, техник ҳамда технологик янгилаш, шунингдек, қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришга йўналтирилган истиқболли лойиҳа ва дастурлар амалга оширила бошланди. Бунинг самараси эса узоқ куттирмади. Янги объектларнинг бунёд этилиши, мавжудлари модернизация қилиниши нафақат мустаҳкам миллий энергетика тизимини шакллантириш, балки унинг равнақида юқори босқични бошлаб берди.

Дарҳақиқат, иқтисодиёт тармоқлари ҳамда аҳолининг электр энергиясига ортиб бораётган эҳтиёжи узлуксиз равишда таъминланмоқда. Бунда соҳанинг асосини ташкил этадиган иссиқлик электр станциялари босқичма-босқич равишда буғ-газ ва газ-турбина қурилмалари билан жиҳозланаётгани муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

(Давоми 2-бетда).

*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш ва “Электрон ҳукумат”ни жорий этиш соҳасида Ўзбекистон — Жанубий Корея ҳамкорлиги форуми бўлиб ўтди.*

# ЎЗБЕКИСТОН — ЖАНУБИЙ КОРЕЯ ҲАМКОРЛИК ФОРУМИ

Тадбирда икки мамлакатнинг давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органлари раҳбарлари, масъул ходимлари, ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар, савдо, сармоя, иқтисодиёт, архив, интеллектуал мулк, таълим, суд-ҳуқуқ каби соҳаларга ихтисослаштирилган вазирлик ҳамда идоралари, компания ва концернлари, илмий тадқиқот марказлари вакиллари, етакчи экспертлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, молия вазири Рустам Азимов, ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири Элёр Ғаниев, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ректори Маннон Алиев, Корея Республикаси давлат бошқаруви ва ички ишлар вазири Хон Юн Сук, Корея Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Квон Ён У ҳамда бошқалар Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги ҳамкорлик икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар асосида ҳар томонлама ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси муносабатлари стратегик шериклик даражасига кўтарилган. Ўзаро манфаатли алоқалар барча соҳани қамраб олган. Хусусан, турли жабҳаларга юқори технологияларни жорий этиш борасида фаол ҳамкорлик қилинмоқда. Жанубий Корея мутахассислари ҳамда ишбилармонлари иштирокида мамлакатимиз иқтисодиётининг турли тармоқлари, давлат бошқаруви тизимига замонавий технология ва ноу-хаулар жорий этилиб, кўплаб истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда ахборот технологиялари ҳамда телекоммуникациялар соҳасини ривожлантириш, “Электрон ҳукумат” тизимини кенг жорий этишда Жанубий Корея билан ҳамкорлик қилинаётгани бежиз эмас. Зеро, Корея Республикаси ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида дунёда етакчи мамлакатлардан ҳисобланади. Жанубий Кореянинг ялпи ички маҳсулотида ахборот-коммуникация технологияларининг улуши 11,8 фоиздан зиёдни ташкил этади.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда мазкур соҳа ривожига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ бунга ҳуқуқий асос яратилди. 2013 — 2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш комплекс дастури асосида изчил ишлар амалга оширилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

**ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА**

# Миллий парламентнинг ривожланиш истиқболлари

*Парламент — бу жамият ҳаётини ойнадек яққол акс эттирадиган кўзгу. Бинобарин, жамиятда қандай интилиш, фикр ва қарашлар мавжуд бўлса, улар парламентдаги муҳокама ва мунозараларда ўз ифодасини топиши керак. Ана шунда парламент халқнинг хоҳиш-иродаси, эзгу мақсадларини мужассам эта олади. Шундан кейин одамлар бундай қонунчилик ҳокимиятига ишонади.*

**Ислом КАРИМОВ**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб “Миллий парламентаризмнинг шаклланиши ва ривожланиши” мавзуида парламент конференцияси бўлиб ўтди.

Анжуманда Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари, давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органлари, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Давлат бошқаруви академияси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, кенг илмий доира вакиллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Н. Исмоилов ҳамда бошқалар таъкидлаганидек, мустақиллик мамлакатимизда ҳақиқий демократик парламентнинг шаклланишига сиёсий-ҳуқуқий замин яратди. Истиқлолнинг илк кунлариданоқ Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига жавоб берадиган, ўзимизга хос ва мос тараққиёт йўли танлаб олинди ҳамда инсон манфаатлари устуворлиги йўлида қонун ижодкорлиги билан шуғулланадиган энг демократик миллий парламентни шакллантириш, давлат ҳокимияти органлари тизимида унинг роли ҳамда таъсирини кучайтириш вазифаси белгиланди.

Эътироф этилганидек, истиқлолимизнинг дастлабки йилларида бир палатали парламент ёш мустақил давлатнинг демократик сиёсий тизими, адолатли фуқаролик жамияти, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий ва бошқа соҳаларнинг ҳуқуқий негизини шакллантиришга, давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш, миллий давлатчилик пойдеворини барпо қилишга ўз ҳиссасини қўшди. Бу даврда Конституциямиз қабул қилинди, халқимизнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этишини таъминловчи сайлов тизимига ҳуқуқий замин яратилди.

Бутун дунёда тараққиётнинг “ўзбек модели” дея эътироф қилинаётган ривожланиш стратегияси асосида давлат бошқаруви соҳасида амалга оширилган демократик ислоҳотлар 2000-йилларга келиб, мамлакатнинг қонун чиқарувчи олий органи фаолиятини замон талаблари асосида янада такомиллаштириш учун шарт-шароитларни вужудга келтирди.

2002 йилнинг 27 январида ўтказилган умумхалқ референдуми якунлари асосида мамлакатда икки палатали, мунтазам фаолият кўрсатадиган профессионал орган — Қонунчилик палатаси ҳамда ҳудудлар манфаатини ифода этадиган вакиллик органи — Сенатдан иборат парламентни шакллантириш учун ҳуқуқий замин яратилди.

(Давоми 2-бетда).

# Ёш математикларимиз халқаро олимпиадада бешта олтин медалга сазовор бўлишди

*13-14 август кунлари Сингапурда математика фани бўйича ўтказилган халқаро олимпиадада (“Singapore International Math Olympiad Challenge — 2016”) вакилларимиз бешта олтин медални қўлга киритиб, энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига муносиб совға ҳозирлашди.*

ХУШХАБАР

Айтиш жоизки, жорий йилги мазкур олимпиадада дунёнинг турли мамлакатларидаги мактабларда таҳсил олаётган 780 нафар ёш билимдон қатнашди. Гуруҳларга бўлинган саралаш босқичида иштирокчилар ребус ва математикадан вазифалар ечишди. Шундан сўнг билими даражаси билан бошқалардан ажралиб турадиган ўқувчилар финал босқичида ўз истеъдодини синаб кўрди.

(Давоми 3-бетда).

# Бунёдкорлик, яратувчанлик, эзгулик ифодаси

## 20-21 август кунлари мамлакатимизда умумхалқ хайрия ҳашари бўлиб ўтади.

ҚАДРИЯТ

Ҳашар халқимизнинг азалий қадриятларидан ҳисобланади. Мустақиллик йилларида у бунёдкорлик, яратувчанлик, эзгулик ифодаси сифатида умумхалқ ҳаракатига айланди. Пировардида ҳар йили муҳим саналар, байрамлар олдидан ўтказилаётган умумхалқ хайрия ҳашарлари кунлари кенг кўламли ободонлаштириш, бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, янги боғу гулзорлар яратилмоқда, ёлғиз қариялар, ногиронлар ва эҳтиёжманд оилалар ҳолидан хабар олиниб, уларга моддий ҳамда маънавий ёрдамлар кўрсатилаяпти. Энг улуғ, энг азиз айём — юртимиз мустақиллигининг 25 йиллиги арафасида ҳам мазкур эзгу анъана изчил давом эттирилиб, жорий йилнинг август ойи республикамизда ободонлаштириш ва тозалик ойлиги ҳамда 20-21 август — умумхалқ хайрия ҳашари кунлари, деб эълон қилинди.

(Давоми 2-бетда).

# Юксак эътибор ва ғамхўрлик самараси

Ҳар қандай спортчи тўрт йилликнинг энг нуфузли мусобақаси — Олимпиада ўйинларида иштирок этишни, унда она-Ватани шаънини муносиб ҳимоя қилишни, янада аниқроқ айтганда, совриндор бўлишни орзу қилади ва шунга интилади.

**ИФТИХОР**

Шу маънода, ўзбекистонлик спортчиларнинг XXXI ёзги Олимпия ўйинларида эришаётган оламшумул ютуқларини халқимиз катта ҳаяжон ҳамда хурсандчилик билан қарши олмоқда. Бугун мамлакатимизнинг барча ҳудудида, юртдошларимиз кайфиятида байрам шукуҳи, ғалаба сурури, фахр-ифтихор туйғулари жўш уриб, каттаю кичик вакилларимизнинг ғалабаси ҳақида тўлқинланиб сўз юритаяпти, яна медаллар кутишаяпти. Ҳасанбой Дўстматов, Руслан Нурудинов, Диёрбек Ўрозбоев, Ришод Собиров, Рустам Тўлаганов ва Элмурод Тасмуродовнинг муваффақияти Мустақиллик айёмига ўзига хос туҳфа бўлди. Қувонарлиси, ҳали Рио олимпиадасида бизни ғалабалари билан хурсанд эта оладиган, юртимиз байроғини баланд кўтариб, мадҳиямиз баралла янграшини ваъда қилаётган спортчиларимиз талайгина.

(Давоми 2-бетда).

# Миллий парламентнинг ривожланиш истиқболлари

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

2005 йилда икки палатали парламент тизимига ўтилгани мамлакат парламенти ваколатлари ва назорат вазифаларининг ролини кучайтиришда ҳал қилувчи аҳамият касб этди.

Конференцияда давлатимиз раҳбари томонидан 2010 йил 12 ноябрда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Сенатининг қўшма мажлисида илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси палаталар фаолиятини кучайтиришда муҳим туртки бўлгани таъкидланди. Унинг асосида Конституциямизга киритилган тузатишлар Олий Мажлиснинг, сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатасидаги фракциялари ваколатларини янада кенгайтирди. Хусусан, Олий Мажлис ваколатларига Бош вазирнинг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб масалалари юзасидан ҳисоботини эшитиш ҳамда муҳокама қилиш, парламент назоратини амалга ошириш киритилди. Муҳокама этилаётган ҳар бир қонун лойиҳаси ёки Қонунчилик палатаси қарори лойиҳаси сиёсий партия фракцияларининг йиғилишларида дастлабки тарзда кўриб чиқилмоқда.

Анжуманда парламентда сиёсий партияларнинг роли ва аҳамияти хусусида тўхталиб ўтилди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий Қонуни аҳолининг ижтимоий, сиёсий фаоллигини кучайтиришда, чинакам кўп партиявийликни ривожлантиришда, демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштиришда ғоят муҳим роль ўйнагани айтиб ўтилди.

Бинобарин, ушбу Қонун парламентдаги сиёсий партиялар фракцияларининг ҳуқуқий мақомини аниқ белгилаб берди, уларнинг қонун ижодкорлиги иши самарадорлигини юксалтиришда тутган ўрнини, фракциялараро соғлом тортишувни сезиларли даражада оширди. Парламентдаги кўпчиликнинг ва парламентдаги мухолифатнинг ҳуқуқлари қонунчилик йўли билан мустаҳкамлаб қўйилди. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида иккита партия фракцияси — Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳамда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияларидан иборат Демократик кучлар блоки тузилган ва самарали ишламоқда. Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси ҳамда Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракциялари тимсолида парламент мухолифати фаолият кўрсатаяпти.

Таъкидланганидек, Президентимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2015 йил 23 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги дастурий маърузаси мамлакатимизда парламент фаолиятини мутлақо янгича услубда ташкил этиш, унинг ваколатларини самарали амалга ошириш механизмларини такомиллаштиришда муҳим омил бўлди. Маърузада белгилаб берилган саккизта устувор йўналиш Қонунчилик палатасининг яқин ҳамда узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган режаларига асос бўлди, депутатлар томонидан ўз ваколатларининг самарали амалга оширилишини таъминлаш имкониятини берадиган дастурга айланди.

Ўтган бир ярим йилдан ортиқроқ вақт мобайнида Қонунчилик палатасининг ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлигини, шунингдек, қабул қилинаётган қонунларнинг ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг боришига таъсирини оширишдаги роли ва аҳамиятини кучайтириш масаласи депутатларнинг диққат-эътиборида бўлди. Ушбу йўналишда кенг кўламли таҳлилий ҳамда амалий ишлар бажарилди.

Тадбир иштирокчилари яқинда қабул қилинган "Парламент назорати тўғрисида"ги Қонуннинг мазмун-моҳияти ҳақида ҳам фикр билдиришди. Қайд этилганидек, мазкур ҳужжат Конституция ҳамда қонунлар талаблари ижроси устидан парламент назоратини амалга оширишнинг яхлит ва тизимлаштирилган қонунчилик базасини яратишга, давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органларининг ўзларига юклатилган вазифаларни, шунингдек, муҳим давлат дастурларини бажаришдаги фаолияти самарадорлигини ва масъулиятини оширишга хизмат қилаяпти.

Конференцияда мустақиллик йилларида миллий парламентаризмнинг шаклланиши ҳамда ривожланиши масалаларига оид маърузалар тингланди, истиқболдаги вазифалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бўлим бошлиғи, юридик фанлар доктори, профессор М. Мамасиддиқов ўз чиқишида Ўзбекистонда демократик қурилиш, жумладан, замонавий парламентаризмни шакллантириш ва ривожлантириш борасида сезиларли тажриба тўплангалигини таъкидлади. Ушбу амалиёт мамлакатимизда кенг кўламдаги ижтимоий-иқтисодий ҳамда ижтимоий-сиёсий ислоҳотларнинг тадрижийлигини таъминлашда муҳим ўрин тутади. Қонун ижодкорлиги фаолиятини режалаштириш ва прогнозлаштиришнинг самарали тизими яратилиши асосий мақсадлардан чалғимасдан, реал ҳаётдан узоқлашмасдан, нафақат давлат бошқаруви, иқтисодий тараққиёт соҳасидаги аниқ вазифаларни ҳал этишда, балки асосий мақсадимиз бўлган ҳуқуқий демократик давлат қуришни изчил амалга оширишда қандай қонунлар қабул қилиш кераклигини аниқ белгилаш имконини беради.

Анжуманда сўз олган Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А. Саидов фуқаролик жамиятини ривожлантиришда парламентнинг ўрни ҳамда роли масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Жумладан, парламентимиз томонидан сўнгги йилларда қабул қилинган қонун ва қарорлар мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари ҳамда давлат органлари ҳамкорлигини янада ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимининг самарали ишлашида алоҳида ўрин тутаётгани билдирилди. Бунда "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги, "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонунларнинг ҳаётга самарали татбиқ этилаётгани, Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фондининг изчил фаолият юритаётгани муҳим аҳамият касб этаётир.

Конференцияда депутатлар, сиёсий партиялар фракциялари аъзолари билан бир қаторда, илмий доира вакиллари ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтди. Жумладан, юридик фанлар доктори, профессор О. Оқюлов Ўзбекистонда қонун ижодкорлиги фаолиятини амалга оширишда юридик фаннинг роли хусусида сўз юритиб, бу борада сўнгги пайтда юртимизда ўзига хос амалиёт шаклланганини, Қонунчилик палатаси қўмиталари ҳузурида олимлар ҳамда мутахассислардан иборат таркибда эксперт гуруҳлари фаолият кўрсатаётгани, қонун лойиҳалари муҳокамасида олимлар фаол қатнашиб келаётганини қайд этди.

Миллий парламент ривожланиши, кўп партиявийлик тизимининг самарали фаолияти мамлакатимизда фуқароларнинг давлат ва жамиятни бошқаришдаги иштирокини жонлантириш, Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим саналган масалаларни ҳал қилишда қонун устуворлиги тамойилининг сўзсиз амалга оширилишини таъминлашда янги имкониятлар очади.

Экспертларнинг кенг доираси иштирокида ўтказилган конференция истиқболда парламентни янада ривожлантиришнинг муҳим масалаларини аниқлаш имконини берди.

Анжуман якунида давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан келиб чиқадиган, шунингдек, парламент олдида турган устувор вазифаларни самарали амалга ошириш юзасидан таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Зиёда АШУРОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЎЗБЕКИСТОН — ЖАНУБИЙ КОРЕЯ ҲАМКОРЛИК ФОРУМИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Барча соҳага ахборот-коммуникация технологиялари изчил жорий қилинмоқда. Ахборот ресурслари, тизимлари ва тармоқларининг яратилиши жадаллашиб, аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектларига кўрсатилаётган интерактив давлат хизматлари сони ва сифати ошмоқда.

Бу жараёнларнинг барчасини ўзида жамлаган "Электрон ҳукумат" тизими давлат ва жамият ўртасидаги алоқаларнинг муҳим воситасига айланаётир. Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали юридик ва жисмоний шахсларга кўрсатилаётган хизматлар салмоғи ошиб бормоқда. Бу жараёнда коммуникация тармоқлари техник ва технологик қайта жиҳозланиб, интерактив хизмат кўрсатиш сифати сезиларли даражада яхшиланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан Корея Республикаси Фан, ахборот-коммуникация технологиялари ва келажакни режалаштириш вазирлиги ўртасида самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузурида "Электрон ҳукумат" тизимини ривожлантириш маркази ташкил этилган. Мазкур марказ ахборотлаштириш миллий тизими шаклланишида муҳим ўрин тутмоқда. Жанубий кореялик мутахассислар юртимизда "Электрон ҳукумат" тизимини ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш ва малакасини оширишга кўмаклашмоқда. Соҳада ўзаро тажриба алмашиш йўлга қўйилгани ўз самараларини бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида таълим халқаро стандартларга мувофиқ, замонавий ахборот-коммуникация ва инновация технологиялари асосида олиб борилмоқда. Академия кўплаб давлатлар қатори Жанубий Кореянинг илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик қилмоқда.

Тошкент шаҳрида фаол ва самарали иш юритаётган Жанубий Кореянинг Инҳа университети филиалида талабалар дастурий таъминот маҳсулотлари ишлаб чиқиш, ахборот тизимлари ва компьютер тармоқларини бошқариш бўйича халқаро стандартлар даражасида таълим олмоқда. Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузурида "Электрон ҳукумат" ўқув маркази, Ўзбекистон — Жанубий Корея ахборот технологиялари маркази фаолият кўрсатмоқда. 2012 йилнинг октябридан ахборотлаштириш соҳасида Ўзбекистон — Жанубий Корея кенгаши фаолият юритмоқда.

Форумда меҳмонларга мамлакатимизда "Электрон ҳукумат"ни жорий этиш ва давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш, АКТ соҳасини ривожлантириш, бу йўналишда халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берилди. Жанубий кореялик мутахассислар Ўзбекистонда давлат ва жамият ҳаётида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш, технологиялар ва инфратузилмаларни ривожлантириш, соҳада кадрлар тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш борасида олиб борилаётган ишларни юксак баҳолади.

— Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги стратегик шериклик тобора мустаҳкамланиб бораётгани бизни ғоят қувонтиради, — деди Хон Юн Сук. — Олий даражадаги учрашувлар мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг изчил ривожланишида муҳим омил бўлмоқда. Ташрифимиз доирасида "Навоий" интермодал логистика марказида бўлиб, Ўзбекистоннинг иқтисодиёти барқарор ривожланаётганига гувоҳ бўлдик. Мазкур форум давлат бошқаруви соҳасида икки томонлама ҳамкорлик истиқболларини муҳокама қилиш ва уни янада ривожлантириш, соҳанинг турли йўналишлари бўйича фикр ва тажриба алмашиш, ноу-хауларни жорий этиш, мамлакатларимиз иқтисодий қудратини янада оширишга хизмат қилади. Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини яқинлашиб келаётган мамлакатингиз давлат мустақиллигининг 25 йиллиги байрами билан самимий муборакбод этаман.

Форумда мамлакатимизда давлат бошқаруви соҳасида кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётгани, бу борада Жанубий Кореянинг илғор тажрибасидан фойдаланилаётгани қайд этилди.

Тадбир иштирокчилари давлат бошқаруви соҳасини янада ривожлантириш, "Электрон ҳукумат" тизимини такомиллаштириш, электрон ҳужжат ва ахборот алмашиш, архив ҳужжатларини сақлаш, рақамлаштиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашди.

Ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш, давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш, соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, кадрлар тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш масалалари муҳокама қилинди.

"Ўзархив" агентлиги билан Корея Республикаси Миллий архиви ўртасида ҳамкорлик бўйича ўзаро англашув меморандуми имзоланди.

Корея Республикаси давлат бошқаруви ва ички ишлар вазири Хон Юн Сукка Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг Фахрий доктори унвони топширилди.

Корея Республикаси делегацияси мамлакатимизнинг қатор вазирлик ва идораларида ҳам музокаралар ўтказди.

**Нодира МАНЗУРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# Юксак эътибор ва ғамхўрлик самараси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Дарҳақиқат, истиқлол фарзандларининг нуфузли спорт анжуманида қайд этаётган натижалари тасодиф эмас. Бу, аввало, мамлакатимизда спортни ривожлантириш, ёш авлодни ҳар жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялаш, уларнинг иқтидору салоҳиятини юзага чиқариш, халқаро спорт ареналарида Ватанимиз номини янада улуғлашга қодир спортчилар этиб тарбиялашга қаратилаётган доимий эътибор ва ғамхўрлик самарасидир.

Ваҳолонки, мустабид тузум даврида ўзбекистонлик спортчилар халқаро мусобақаларда қатнашиш тугул, собиқ иттифоқ терма жамоасига кириш учун адоғи йўқ тўсиқларга дуч келар, турли сансалорликларни бошидан ўтказарди. Халқаро турнирларда иштирок этиш учун собиқ марказнинг "қовоғи"га қараб иш кўришга мажбур эди.

Бугун эса ёшларимиз учун хоҳ шаҳарда, хоҳ узоқ қишлоқда бўлсин, спорт билан шуғулланиш, ўз иқтидорини рўёбга чиқариш учун барча шарт-шароит муҳайё қилинган. Болалар спорти юртимизда янгидан барпо этилган бепул ва узлуксиз таълим тизимининг ажралмас қисмига айланди. Истиқлол йилларида бир минг 700 дан зиёд (мингдан ортиғи қишлоқ жойларда) янги спорт иншоотлари барпо қилингани фикримиз тасдиғидир. Бунинг самараси ўлароқ, айни пайтда юртимизда 2 миллион нафардан ортиқ ёшлар спортнинг 30 дан зиёд тури билан мунтазам шуғулланаяпти. Мазкур кўрсаткич 2003 йилдагига қараганда 1,5 баробар кўп. Мана шундай улкан саъй-ҳаракатлар натижасида Олимпиада чемпионлари тарбияланмоқда.

Рио-де-Жанейрода спортчиларимиз намойиш этаётган маҳорат, шижоат, қатъият, улар янгилаётган рекорд дунё ҳамжамиятининг, нуфузли оммавий ахборот воситаларининг эътиборидан тушмаяпти. Ёшларимиз ютуқлари юртимиз нуфузини олам узра янада кенг ёймоқда. Бу Президентимизнинг "Ҳеч бир нарса мамлакатни спорт каби тезда дунёга машҳур қила олмайди", деган сўзларининг яққол исботидир.

**Муҳаммаджон МАҚСУДОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий Мажлиси Сенати аъзоси.**

# Бунёдкорлик, яратувчанлик, эзгулик ифодаси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ҳозирги пайтда ушбу тадбирни уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқарувида умумхалқ хайрия ҳашарини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ тузилди. Айни чоғда Фонд ҳудудий тузилмалари, юртимиздаги мавжуд 10 мингга яқин фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ҳашарни юқори савияда ўтказишга қаратилган чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Юртдошларимизнинг саъй-ҳаракати билан икки кунлик ҳашар жараёнида маҳалла, корхона ва ташкилотлар ҳудудларини тозалаш, гузарлар, зиёратгоҳ ҳамда қабристонларни тартибга келтириш, дарахтларга шакл бериш юмушлари бажарилади. Кўча ва йўллар, хиёбону майдонларни ободонлаштириш ишлари изчил давом эттирилади. Мақсад битта: хонадонимиз, маҳалламиз, умуман, Ватанимиз янада обод ва кўркам бўлсин! Юртдошларимиз эса Мустақиллигимизнинг 25 йиллигини гўзал, озода манзилларда кутиб олсин!

— Халқимизнинг хайрли ҳамда эзгу анъаналари кўп, — дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Долли Аллаев. — Масалан, тўй-тантаналар ва байрамларга ҳозирлик кўрар экан, бунёдкорлик, яратувчанлик ҳамда бошқа эзгу амалларга қўл уради. Бу, айниқса, умумхалқ хайрия ҳашарида кўзга янада яққол ташланади. Шу маънода, Фонд республика бошқаруви томонидан ҳам ҳашар кунларида амалга ошириладиган ишлар режаси ишлаб чиқилди. Яъни икки кун давомида майдонлар ободонлаштирилади, ариқ ва лотоклар тозаланади. Кексалар, ногиронлар ва кам таъминланган оилалар уй-жойини таъмирлашга кўмаклашиш ҳамда эҳтиёжмандларга хайрия ёрдамларини кўрсатиш кўзда тутилмоқда.

Ҳар доимгидек ушбу умумхалқ ҳашарида ҳам барча юртдошимиз, шу жумладан, ёшларимизнинг фаол қатнашишлари кутилмоқда.

Хайрия ҳашаридан тушган маблағлар "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида белгиланган устувор вазифалар ижросига йўналтирилади. Яъни эҳтиёжманд оилалар, ёлғиз қария ҳамда ногиронларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, уй хўжалиги ишларига кўмаклашиш каби эзгу юмушлар рўёбга чиқарилади. Қолаверса, фуқаролар йиғинларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилади.

Ҳашар кунлари бошланган бунёдкорлик, яратувчанлик ишлари ва бошқа эзгу амаллар Мустақиллик тантаналарига уланиб кетади.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЭНЕРГЕТИКА МУСТАҚИЛЛИГИ

## иқтисодиётни жадал тараққий топтириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш гаровидир

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мисол учун, Янги Ангрен иссиқлик электр станциясида умумий қуввати 600 МВт.га тенг иккита, Толлимаржон ИЭСда қуввати 800 МВт.лик энергоблок фойдаланишга топширилган бўлса, Навоий ИЭСда қуввати 478 МВт.га тенг бўлган буғ-газ ускунаси ўрнатилди. Шунингдек, Тошкент иссиқлик электр марказида қуввати 27 МВт.ли когенерацион газ-турбина қурилмаси ишга туширилди. Бу каби технологик янгиланишлар Толлимаржон ИЭСда электр энергияси узатилишидаги йўқотишларни камайтириш имконини берган бўлса, Навоий ИЭСда ёқилғи сарфини деярли 1,4 баробар қисқартириш ҳамда харажатларни кескин тежашга мустаҳкам пойдевор ҳозирлади.

Қайта тикланувчи энергия манбаларидан саноатда фойдаланиш электр ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқаришда табиий газ сарфини сезиларли даражада пасайтириш, атроф-муҳитга зарарли чиқиндилар чиқаришни камайтиришга хизмат қилади. Шунинг учун кейинги йилларда муқобил энергия манбаларини ёқилғи-энергетика балансига жалб қилиш борасида изчил чора-тадбирлар кўрилмоқда. Самарқанд вилоятида қуввати 100 МВт.ли қуёш фотоэлектр станцияси қурилаётгани, келгусида Наманган ҳамда Сурхондарё вилоятларида ҳам шу каби қуёш станциялари барпо этилиши кўзда тутилгани бунинг яққол тасдиғидир.

Аслида, "келажак энергияси" дея таърифланадиган муқобил энергия манбаларидан аллақачон республикамизнинг тоғли ва чўл ҳудудлари, Меҳрибонлик ҳамда Саховат уйлари, таълим муассасаларида унумли фойдаланилмоқда.

Магистраль ва ҳудудий электр тармоқларини модернизация қилиш масаласи ҳам эътибордан четда қолмаяпти. Чунки тақсимлаш тармоқларининг оптималлаштирилиши энергетика тизимидан фойдаланиш ишончлилигини ошириш, электр қувватининг узатиш узлуксизлигини таъминлаш, исрофгарчиликларни камайтиришда қўл келади. Шу боис янги электр тармоқлари объектлари билан бирга, электр энергиясини юкланиш марказларига узатишга қаратилган лойиҳалар ҳам ҳаётга татбиқ этилаяпти. Бунга мисол тариқасида мустақиллик йилларида қурилган, узунлиги 123,2 километрлик "Янги Ангрен ИЭС — Сирдарё ИЭС" 500 кВ кучланишли ҳаво линияси ҳамда 500 кВ кучланишли замонавий "Ўзбекистон" подстанциясини келтириш мумкин. Бунинг эвазига электр станцияларда ишлаб чиқарилган қувватларни Фарғона водийсига узатишдаги мавжуд техник чеклашлар бартараф қилиниб, электр таъминоти янада яхшиланди.

Худди шунингдек, энергетика тизимининг Шимоли-Ғарбий қисмида иккита юқори кучланиш линиясидан ташқари, 220 кВли "Қорақалпоғистон" ва 110 кВли "Технологик" подстанциялари ишга туширилди. Бу эса Қўнғирот сода заводи, Устюрт газ-кимё мажмуаси, қолаверса, бошқа истеъмолчиларни электр энергияси билан барқарор таъминлаш имконини бергани ғоятда аҳамиятлидир.

Бундан ташқари, Сирдарё ИЭСдан "Сўғдиёна" подстанциясигача, ўз навбатида, "Сўғдиёна" подстанциясидан "Ғузор" подстанциясигача ўта юқори кучланишли электр узатиш линиялари ҳамда 500 кВли "Сўғдиёна" подстанциясининг ишга туширилиши Самарқанд — Бухоро қисмидаги электр станцияларининг ишончли ишлашини таъминлади. Энг асосийси, ҳудуднинг қўшни энергетика тизимлари таъминотига боғлиқлигини бартараф этди.






Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Электр энергиясига талаб мунтазам ўсиб боришини ҳисобга олган ҳолда, жаҳон молия институтлари иштирокида мазкур тизим объектларида модернизациялаш ишлари изчил олиб борилмоқда. Яъни паст ҳамда юқори кучланишли подстанцияларнинг асосий ускуналари — трансформаторлар, ўчиргичлар, релели ҳимоя ва автоматика жиҳозларини замонавийларига алмаштириш, уларнинг номинал қувватини ошириш, электр тармоқларининг ўтказувчанлик қобилиятини кўпайтириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар кўрилаяпти.

Мамлакатимиз энергетика тизимига ҳисобга олиш ҳамда назорат қилиш автоматлаштирилган тизими жорий этилаётгани шу йўналишдаги ишларнинг мантиқий давоми бўлди. Ушбу илғор технологиялар истеъмол қилинган ва узатилган электр энергиясининг аниқ ўлчовини амалга оширишга, тизимда иш самарадорлигини таъминлашга, қисқача айтганда, техник-иқтисодий кўрсаткичларни яхшилашга хизмат қилаётир.

Келинг, шу ўринда 2015 — 2019 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация ҳамда диверсификациялаш, тузилмага ўзгартиришлар киритишни таъминлаш чора-тадбирларига доир дастур ижроси ҳақида қисқача тўхталсак. Мазкур дастурга биноан, иссиқлик энергетикасида 15 та лойиҳа амалга оширилиши кўзда тутилган бўлиб, пировардида электр станциялари қуввати 1,5 баробар ортади. Шу боис айни пайтда чет эл сармоялари жалб этилган ҳолда, Толлимаржон, Навоий ва Тахиатош иссиқлик электр станцияларида қуввати 250 МВт.дан 450 МВт.гача бўлган буғ-газ ускуналарини қуриш лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Бундан ташқари, Наманган вилоятида 450 МВт. қувватга эга иккита буғ-газ қурилмали янги Тўрақўрғон иссиқлик электр станциясини бунёд қилиш лойиҳаси ижросига киришилди. Бу эса ҳудудда 500 кВ магистрал электр тармоқларини ривожлантиради, қолаверса, Фарғона водийси истеъмолчиларининг энергия таъминотини сезиларли даражада оширади.

Яна бир инвестициявий лойиҳа Тошкент шаҳрининг 4-сонли иссиқлик марказида рўёбга чиқарилади. Унинг доирасида мазкур объект 27 МВт. қувватга эга 4 та газ-турбина қурилмаси билан қайта жиҳозлангач, электр ҳамда иссиқлик энергияси биргаликда ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Яна бир муҳим жиҳати, табиий газдан фойдаланиш самарадорлиги икки баробар оширилади.

Кейинги йилларда ёқилғи-энергетика тизимида қаттиқ ёқилғи улушини оширишга алоҳида аҳамият берилаяпти. Бунинг самараси ўлароқ, ҳозирги пайтда Ангрен ИЭСда 130 — 150 МВт. қувватли энергоблокни қуриш ишлари якунланиб, ишга тушириш тадбирлари кўрилмоқда. Объект Мустақиллик байрамига муносиб туҳфа сифатида 1 сентябрга қадар фойдаланишга топширилади ва энергия тизимига 160 МВт. қувват берилади. У куллик даражаси юқори бўлган кўмирни ёқишга мўлжаллангани билан аҳамиятлидир.

Энергетика тизимида 2020 йилгача бўлган даврда шу каби яна кўплаб замонавий технологиялар жорий қилиниши мўлжалланган. Бу ҳақда сўз юритилганда, гидроэлектр станциялардаги ўзгаришларга алоҳида тўхталиш жоиз. Гап шундаки, келгуси беш йилда 11 ГЭС қуввати оширилиши баробарида, Андижон, Қашқадарё ҳамда Тошкент вилоятларида 5 та кичик ГЭС қурилиши мўлжалланган.

Чорак асрлик тараққиётимиз даврида мамлакатимиз энергетика мустақиллигига эришиб, Ўзбекистон Марказий Осиёдаги энергетика салоҳияти юксак давлатга айланди. Бу жараёнда барча электр станциясининг параллел ва синхрон ишлашини таъминлайдиган, жойлашган ҳудудидан қатъи назар, истеъмолчиларга электр энергияси етказиб бериш ва экспорт қилиш имкониятига эга Ягона энергетика тизими ҳам вужудга келди. Шубҳасиз, қўлга киритилган ушбу ютуқлар замирида Президентимизнинг ташаббуси билан соҳа тубдан янгиланиб, йирик замонавий объектлар қурилгани, мавжудлари эса дунёнинг етакчи компанияларининг технологик қурилмалари билан қайта жиҳозлангани, ушбу йўналишдаги тадбирлар изчил давом эттирилаётгани мужассамдир.

Буларнинг барчаси пировардида иқтисодиёт тармоқларини жадал ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишнинг гарови бўлиб хизмат қилмоқда.

**Дадажон ИСАҚУЛОВ,**
**«Ўзбекэнерго»**
**акциядорлик жамияти**
**бошқаруви раисининг**
**биринчи ўринбосари.**

# Демократик янгиланишлар ва нодавлат ОАВ

Самарқандда “Мамлакатни демократлаштириш ва модернизация қилиш жараёнларида нодавлат электрон ОАВ ролини ошириш: Ўзбекистон тажрибаси” мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди.

## ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ

Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциациясининг мустақиллигимизнинг 25 йиллигига бағишланган медиакунлари доирасида ўтказилган мазкур тадбир Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси, ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси, Конрад Аденауэр номидаги жамғарманинг Марказий Осиё бўйича ваколатхонаси, ЮНЕСКО ҳамда ЮНИСЕФнинг юртимиздаги ваколатхоналари ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, халқаро ташкилотлар, хорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги элчихоналари ҳамда ваколатхоналари вакиллари, Франция, Германия, Литва, Болгария, Чехия ва Россиядан келган соҳа экспертлари, ҳудудий телерадиостанциялар раҳбарлари ҳамда журналистлар қатнашди.

Анжуманда юртимизда истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ сўз эркинлиги ва ахборот олиш ҳуқуқи Конституция ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунларга биноан кафолатланганлиги, қолаверса, мамлакатимиз ҳар бир фуқаросининг бўлаётган воқеа-ҳодисаларга ОАВ орқали эркин муносабат билдира олиш ҳуқуқи таъминланаётганлиги алоҳида таъкидланди.

— Ўзбекистонда нодавлат электрон оммавий ахборот воситалари жадал ривожланаётгани кўзга яққол ташланмоқда, — дейди ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси вакили Атул Кумар. — Бу эса юртингизда ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятининг шаклланишида катта аҳамият касб этаётир. Айниқса, қабул қилинган қонунлар ҳамда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар журналистика соҳасида янада шаффофликни таъминлаш, воқеа-ҳодисаларнинг холис ёритилишига хизмат қилаяпти. Халқаро ташкилот вакили сифатида шуни айтишни истардимки, Ўзбекистон бу борада қўлга киритган катта тажрибадан бошқа давлатлар ҳам ўрнак олса, арзийди.

Тадбир доирасида “Журналистларнинг янги авлоди шаклланишида замонавий трендлар ва ёшлар аудиториясини кенгайтириш истиқболлари: кўзгуда — мультимедиа журналистикаси” мавзуида “Навқирон журналистлар” медиа-кемпи ҳам ўтказилди.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2016 ЙИЛ 6 АВГУСТДАН 12 АВГУСТГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ ХАБАР ҚИЛАДИ.

## Хабар

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2016 йил 2 августдаги 57-сон «Индексация» махсус ҳисобрақамлардан маблағларни муддатидан олдин кўчириш ҳамда коммунал хизматлар ва электр энергиясидан фойдаланганлик учун қарзларни нақд пулсиз ҳисоб-китоблар йўли билан қоплашнинг вақтинчалик тартибини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

***2016 йил 9 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 801-1 (2016 йил 15 августдан кучга кирди).***

2. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2016 йил 2 августдаги 58-сон «Пахта тозалаш саноати корхоналарини модернизация ва реконструкция қилиш дастурини амалга ошириш учун мўлжалланган маблағларни Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси махсус субҳисоб рақамида жамлаш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

***2016 йил 9 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1694-1 (2016 йил 15 августдан кучга кирди).***

3. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2016 йил 10 августдаги 83-Н-сон «Ҳаво транспортида йўловчи ва багаж ташиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

***2016 йил 12 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2238-2 (2016 йил 15 августдан кучга кирди).***

4. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2016 йил 12 августдаги 208-мҳ-сон «Тошкент давлат юридик университети магистратурасига қабул қилишда ёзма имтиҳон ўтказиш ва унинг натижаларини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

***2016 йил 12 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2491-1 (2016 йил 15 августдан кучга кирди).***

***II. Давлат реестридан чиқарилди:***

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган «Индексация» махсус ҳисобрақамлардан маблағларни муддатидан олдин кўчириш ҳамда коммунал хизматлар ва электр энергиясидан фойдаланганлик учун қарзларни нақд пулсиз ҳисоб-китоблар йўли билан қоплашнинг вақтинчалик тартиби (рўйхат рақами 801, 1999 йил 20 август).

***Адлия вазирининг 2016 йил 9 августдаги 205-мҳ-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.***

2. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг «Пахта тозалаш саноати корхоналарини модернизация ва реконструкция қилиш дастурини амалга ошириш учун мўлжалланган маблағларни Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси махсус субҳисоб рақамида жамлаш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1694, 2007 йил 27 июнь).

***Адлия вазирининг 2016 йил 9 августдаги 206-мҳ-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.***

***Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.***

***III. Бекор қилинди ва ижродан чақириб олинди:***

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2008 йил 25 ноябрдаги 47-Қ/Б, 72-сон «Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқитувчиларининг иш ҳақларини ҳисоблаш ва тарификациялаш тартиби тўғрисидаги услубий кўрсатмаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қўшма қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2012 йил 30 декабрдаги 70/ҚҚ, 78/ҚҚ-сон «Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари намунавий штатларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори.

***Ушбу ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг тақдимномаси асосида давлат рўйхатидан ўтказилмаган ва қонун ҳужжатларига зид ҳужжатлар сифатида бекор қилинди ва ижродан чақириб олинди.***

# Ёш математикларимиз халқаро олимпиадада бешта олтин медалга сазовор бўлишди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Унинг якунлари бўйича ўқувчиларнинг ёшларига қараб ғолиблар аниқланди.

Қувонарли жиҳати, Ўзбекистоннинг 5 нафар вакили “SIMOC — 2016” ғолиблари қаторидан жой олиб, олтин медаль билан тақдирланди. Жумладан, Абдураҳим Орипов, Муҳаммадамин Раҳмонбердиев, Абдулла Ғайратуллаев, Марина Тен ҳамда Владислав Галперин халқаро олимпиаданинг ғолиблари сафидан ўрин эгаллади. Бундан ташқари, яна бир неча ўқувчимиз кумуш, бронза ва жамоавий мукофотларга ҳам сазовор бўлди.

Ғолибларни тақдирлаш маросимида **Сингапур Республикаси коммуникация ва ахборот вазири Чи Хонг Тат** фахрий меҳмон сифатида иштирок этди. У ушбу олимпиадада ўзбекистонлик ёш математиклар фаол қатнашганини алоҳида таъкидлар экан, улар келгусида бундан ҳам юксак чўққиларни забт этишларини тилади.

Ўз навбатида, **Сингапур Халқаро математика мусобақаларини ўтказиш маркази ижрочи директори Генри Онг** ҳам ўзбекистонликларнинг тайёргарлигига юқори баҳо берди.

— Ўзбек ўқувчиларининг олимпиададаги муносиб иштироки Ўзбекистон таълим тизими самарадор эканлигининг яққол исботидир, — деди у. — Мамлакатингиз бўйлаб сафарларим чоғида мазкур соҳага нечоғли юксак эътибор қаратилаётганига кўп бор гувоҳ бўлганман. Ушбу муқаддас замин фарзандлари бундан кейин ҳам юқори натижаларга эришишига ишонаман.

**«Жаҳон» АА.**
Сингапур

## «ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ»

Урганч шаҳрида “Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!” шиори остида “Энг улуғ, энг азиз” республика танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

# Ижод ва рағбат

Унда воҳадаги истеъдодли ижодкорлар, хусусан, журналистлар, шоир ва ёзувчилар, кино ҳамда тасвирий санъат намояндалари, шунингдек, ёш иқтидор соҳиблари мамлакатимизда истиқлол йилларида қўлга киритилган улкан муваффақиятлар, халқимизнинг тинч ва фаровон турмуши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари тараннум этилган ранг-баранг асарлари билан қатнашди.

Танловда босма оммавий ахборот воситалари ходимларининг журналистик ишлари, “Телевидение ва радиоижодкорларининг материаллари”, “Ёзувчи ва шоирларнинг бадиий асарлари”, “Тасвирий санъат, фотодизайн асарлари” йўналишлари бўйича ғолиблар аниқланди. Совриндорлар ташкилотчиларнинг махсус диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди. Ўнлаб ёш ижодкорлар эса рағбатлантирувчи мукофотларга сазовор бўлди.

* * *

“Энг улуғ, энг азиз” республика танловининг Андижон вилояти босқичида 600 дан зиёд сара асарлар ҳакамлар ҳайъатининг баҳосини олди.

Ўтказилган тақдирлаш маросимида сўзга чиққан шоир ва ёзувчилар, журналистлар, рассомлар, тасвирий санъат усталари мамлакатимизда адабиёт, маданият ҳамда санъат ривожига юксак эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидладилар.

— Эркин ва самарали ижод қилишимиз учун барча шарт-шароитга эгамиз, — дейди танлов ғолиби, “Иқбол” газетаси фотомухбири Зуҳриддин Умрзоқов. — Ватан, истиқлол ҳамда тинчлик қадр-қимматини тараннум қилиш учун фақат изланишимиз, янги ғояларни илгари суришимиз керак. Камтарона хизматларимизни юқори баҳолаб, янада илҳом бахш этиб келаётган мазкур тадбирлар эса бизни бундан-да фаолликка ундайди.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**Саминжон ҲУСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

ЭЪЛОНЛАР




«VIP REAL ESTATE» МЧЖ

очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

**2016 йил 7 сентябрь куни соат 12.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига Бўстонлиқ тумани СИБ томонидан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:**

**1.** Тошкент вилояти хўжалик судининг 2014 йил 5 сентябрдаги 11-1432/5199-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бўстонлиқ тумани, Ғазалкент шаҳри, Мармар кўчаси, 1-уйда жойлашган:

**1.1.** Майдони 1155,51 кв. м. бўлган (0001 литер) 2 қаватли маъмурий бино.

***Бошланғич баҳоси — 761 381 563 сўм.***

**1.2.** Майдони 377,42 кв. м. бўлган (0006-литер) маҳсулот кесиш (штрип) цехи биноси.

***Бошланғич баҳоси — 115 714 260 сўм.***

**1.3.** Майдони 668,65 кв. м. бўлган (0013-литер) мармардан мозаика ишлаб чиқариш (мазалит) цехи биноси.

***Бошланғич баҳоси — 78 288 178 сўм.***

**1.4.** Майдони 242,50 кв. м. бўлган (0008-литер) компрессор биноси.

***Бошланғич баҳоси — 101 519 607 сўм.***

**1.5.** Майдони 241,88 кв. м. бўлган (0004-литер) 2 қаватли гараж маъмурияти биноси.

***Бошланғич баҳоси — 101 593 041 сўм.***

**1.6.** Майдони 805,03 кв. м. бўлган (0003-литер) гараж 1-бокс биноси.

***Бошланғич баҳоси — 155 855 469 сўм.***

**1.7.** Майдони 805,03 кв. м. бўлган (0005-литер) гараж 2-бокс биноси.

***Бошланғич баҳоси — 169 543 054.***

2016 йил 21 сентябрь куни соат 12.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига ЖИБ Қибрай тумани судининг 2014 йил 3 июндаги 1-320-сонли ижро варақасига асосан, Бўстонлиқ тумани СИБ томонидан хатланган, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, «Хўжакент» ҚФЙ, Қоронкўл қишлоғида жойлашган бино-иншоотлар қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 1 826 501 000 сўм.***

Мазкур кўчмас мулклар билан тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган санадан бошлаб 5 (беш) банк куни мобайнида мулк учун тўловни тўлиқ амалга ошириши лозим. Талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдосидан бир кун олдин соат 12.00 да тўхтатилади. Талабгорлар тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Vip real estate» МЧЖнинг АТБ «InfinBANK»даги МФО: 01041, СТИР: 302681189, 20208000600250595001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва ариза билан қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: жисмоний шахслар — паспорт нусхаси; юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли вакил қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати; хорижий юридик ва жисмоний шахслар — сўмдаги маблағларининг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумотнома.

Қўшимча хизматлар учун тўлов олинади.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. Телефон: (0-595) 143-0-143.**
**www.realtors.uz E-mail: info@realtors.uz**

Хизматлар лицензияланган.

**ДИҚҚАТ, ТУЗАТИШ!**

«VIP REAL ESTATE» МЧЖ томонидан «Халқ сўзи» газетасининг 2016 йил 12 августдаги 156-сонида чоп этилган эълондаги савдо санаси «2016 йил 13 сентябрь» ўрнига «2016 йил 15 сентябрь куни соат 12.00 да бўлиб ўтади» деб ўқилсин.

1242А/465

«КДБ Банк Ўзбекистон» АЖ
янги бинога кўчиб ўтди.

*Ҳурматли мижозлар ва ҳамкорлар!*

Сизларга шуни мамнуният билан маълум қиламизки, 2016 йил 13-14 август кунлари «КДБ Банк Ўзбекистон» АЖ ўзининг бош офис биносини Ўзбекистон Республикаси, 100015, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 32-уйдан

**Ўзбекистон Республикаси, 100047, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 3-уй**

манзилига ўзгартирди.

Банкимиз янги бинода мижозларга хизмат кўрсатишни 2016 йил 15 августдан бошлади.

Мазкур бино замон талабларига тўлиқ жавоб беради. Бу эса банк операцияларининг барча йўналишини мукаммал даражада бажариш шароитини вужудга келтирди. Офисимиз Тошкент шаҳрининг марказий кўчаларидан бирида жойлашгани мижозларнинг ташрифи учун янада қулайлик туғдиради.

Янги бинода фаолият юрита бошлаш орқали иш унумдорлигини юксалтиришга қаратилган банк ва мижоз ҳамкорлигини ривожлантириш ҳамда хизмат кўрсатишни янада замонавий шароитларда амалга ошириш имконига эга бўлдик.

Барчангизни банкимизнинг янги манзилдаги биносига таклиф этамиз.

**Батафсил маълумот олиш учун телефон: (0-371) 120-80-00. Факс: (0-371) 120-69-70.**
**www.kdb.uz E-mail: info@kdb.uz**

Хизматлар лицензияланган.

1244R/568




«FARG‘ONA MULK SAVDO» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Бувайда тумани СИБ томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2015 йил 14 сентябрдаги 15-1507/17245-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Хон» кўп тармоқли ишлаб чиқариш ва савдо фирмасида сақланаётган, 2006 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 40/906 ВАА бўлган, «Daily» русумли автотранспорт воситаси (махсус цистерна) қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 422 019 810 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 24 сентябрь куни соат 14.00 да бўлиб ўтади.

Талабномалар эълон чоп этилган санадан бошлаб иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти) қабул қилинади. Талабномаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 22 сентябрь куни соат 18.00.

Аукцион савдосига чиқарилган автотранспорт воситаси билан иш кунлари соат 18.00 га қадар тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоси ғолибига 5 (беш) банк куни мобайнида мулк учун тўловни савдо ташкилотчисининг ҳисоб рақамига тўлиқ тўлаш мажбурияти юклатилади. Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза (буюртманома), закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома тақдим этилади. Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Farg‘ona mulk savdo» МЧЖнинг ХАБ «Трастбанк» Фарғона филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 22604000600596714001, МФО: 01123, СТИР 303823262.

**Манзил: Фарғона шаҳри, Маърифат кўчаси, 22-уй, 3-хона. Телефон: (0-573) 244-15-29.**
**www.mulksavdo.uz**

Гувоҳнома: № 131.

1240А/566

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15,
236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги жамоаси бош энергетик Қулмамат Эшмановга отаси

**Абдувайид ЭШМАНОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

*Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида давом этаётган XXXI ёзги Олимпиада ўйинларида тажрибали боксчимиз Фазлиддин Ғойибназаров ярим финал йўлланмасини қўлга киритгани ҳақида хабар берган эдик.*

# Шиддатли курашлар, ҳаяжонли лаҳзалар



Ушбу баҳсдан кейин яна бир истеъдодли чарм қўлқоп устаси Муроджон Аҳмадалиев (-56 кг.) чорак финалда аргентиналик Альберто Мелиан билан куч синашди. Ҳамюртимиз биринчи рауанддаёқ рақибини нокаутга учратиб, ярим финалда қатнашиш имкониятига эга бўлди. Муроджон бундан кейинги босқичларда қандай натижага эришишидан қатъи назар, албатта, Олимпия ўйинларининг медали билан тақдирланади. Биз эса спортчимизнинг финалгача етиб бориб, зафар қучишини жуда-жуда истаймиз. Бунинг учун у ярим финалда кубалик Робейси Рамиресни енгиши зарур.

Аввалроқ Бектемир Меликўзиев ҳам ярим финалга чиққанди. Кеча ўтказилган чорак финал баҳсида Шаҳобиддин Зоиров Озарбайжон вакили Эльвин Мамишзода билан, Шаҳрам Ғиёсов эса финалда қозоғистонлик Данияр Елеусинов билан куч синашди.

**Шавкат ОРТИҚОВ тайёрлади.**

# Бухорода кино санъати кунлари

Бухорода "Ўзбеккино" Миллий агентлиги ва вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида "Ўзбек миллий кино санъати кунлари" фестивали ўтказилди. Тадбир Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида ташкил этилди.

**МАДАНИЯТ**

Фестивалнинг очилиш маросимида аҳоли дунёқарашини бойитиш, маънавиятини юксалтириш, ёшларни турли ёт ғоялар таъсиридан ҳимоя қилишда кино санъатининг ўрни катта эканлиги алоҳида таъкидланди. Шундан сўнг пойтахтдан ташриф буюрган мазкур соҳа вакиллари шаҳар ҳамда туманларда бўлиб, ижодий учрашувлар ўтказдилар.

— Ёшлар билан мулоқотлар бизда, айниқса, катта таассурот қолдирди, — дейди актриса Муҳаббат Абдуллаева. — Кўзлари чақнаб турган ўғил-қизларнинг қизиқишлари, юксак билим ва кенг дунёқарашини кўриб, руҳланиб кетасан, киши. Муҳими, улар мустақилликнинг қадр-қимматини теран ҳис этишмоқда. Она-юртга муносиб фарзанд бўлишдек олижаноб мақсад билан яшашаяпти.

Фестиваль доирасида ўзбек киноижодкорлари томонидан суратга олинган "Барон", "Соткин", "Ажал жодуси", "Хазонрезги", "Шунқорлар", "Истиқлолнинг буюк тимсоли", "Мустақиллик арафасида", "Умидимиз ёшларда" сингари қатор бадиий ҳамда ҳужжатли фильмлар намойиш этилди.

# Ширин неъматлар сайли

Бухорода қовун ва асал сайли бўлиб ўтди. Ҳар икки соҳани ривожлантириш, бу борада тўпланган бой тажрибани оммалаштириш, ширин-шакар неъматлар экспортини кенгайтириш каби мақсадлар кўзда тутилган мазкур тадбирда 1000 тоннадан зиёд маҳсулот кўргазмага қўйилди.

**КЎРГАЗМА**



— Юртимизда етиштирилаётган полиз маҳсулотларига чет элликларнинг қизиқиши бениҳоя катта, — дейди Жондор туманидаги "Элмурод Дўстмурод Шаҳриёр" фермер хўжалиги раҳбари Дўстмурод Боймуродов. — "Кўкча", "Амири", "Гулоби" навли қовунларимиз мазасидан бир бор татиб кўрган кишида Ўзбекистонимизга яна келиш истаги туғилиши тайин. Биз шуларни ҳисобга олган ҳолда, қовундан мураббо тайёрлаш технологияси устида ишлаяпмиз. Бу жуда истиқболли лойиҳа бўлиб, тайёр маҳсулотни дунёнинг исталган давлатига етказиб бериш имконини яратади.

Тўрт кун давом этган сайил якунида қовунчилик ва асаларичиликда яхши натижаларга эришаётган бир гуруҳ омилкор деҳқонлар вилоят ҳокимлиги ҳамда ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

**ИНТИЛИШ**

*Нурота туманида минг гектардан зиёд майдонда ташкил этилган интенсив боғлар кутилганидан анча мўл ҳосил берди.*

# Интенсив боғлар баракаси

Шундан келиб чиқиб, ушбу ёз неъматларини сархил сақлаш ҳамда қайта ишлашга ихтисослаштирилган "Нурота олтин боғлари" масъулияти чекланган жамиятига асос солинди.

— Лойиҳа ижросига 3 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланди, — дейди ушбу МЧЖ иш юритувчиси Улуғбек Холиқулов. — Технологияларимиз бир кеча-кундузда 400 тонна ўрик, олма, шафтоли ҳамда олхўрини қайта ишлаш қувватига эга. Ҳадемай, улар тўлиқ ишга туширилгач, замин неъматларини йил давомида юртимиз ҳамда хорижликлар дастурхонига тортиқ эта бошлаймиз. Қолаверса, қиш мавсумида меваларни сифатли сақлаш мақсадида замонавий совиткичли омборхонани фойдаланишга топшириш ҳам режалаштирилган.

Эътиборлиси, янги лойиҳа туфайли 40 та иш ўрни яратилди.

**Азамат ЗАРИПОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

ЭЪЛОНЛАР


Qishloq Qurilish Bank
жамоаси



*юртдошларимизни мамлакатимиз Мустақиллигининг 25 йиллик байрами билан чин дилдан табриклайди! Сизларга мустаҳкам соғлиқ, оилавий хотиржамлик, Ватанимиз тараққиёти ва фаровонлиги йўлидаги бунёдкорлик ишларингизда муваффақиятлар тилайди.*

**Фурсатдан фойдаланиб, сизларга янги омонат турларини таклиф этади.**

*Миллий валютада:*

**«Мустақил юртим»**
Омонатга маблағлар 3 ойга қабул қилинади.

**Омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугаганидан сўнг тўлаб берилади.**

*Хорижий валютада:*

**«Комфорт»**
Омонатга маблағлар 1 ойга қабул қилинади.

**Омонатга маблағлар АҚШ долларида қабул қилинади, фоизлар омонат муддати тугаганидан сўнг тўлаб берилади.**

**Қуйидаги омонат турлари намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойларни олувчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий қилинган:**

**«Мадад»**
Маблағлар 1 йилдан кам бўлмаган муддатга қабул қилинади.
**«Қурилишга бошланғич бадал»**
Муддати — 1 йил.

**Сизнинг омонатингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.**

**Сизнинг омонатингиз:**
- солиқ ва мажбурий тўловлардан озод;
- эгалик қилиш ҳамда тасарруф этиш ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- миқдори чекланмаган.

**Мурожаат учун телефонлар: (+99871) 150-72-58, 150-39-93.**
**www.qqb.uz**

**«Қишлоқ қурилиш банк» — фаровон ҳаётингиз хизматида!**

Хизматлар лицензияланган.

1237А/35



TURON BANK 25 йил

***Акциядорлик тижорат «Туронбанк» жамоаси халқимизни Ватанимиз Мустақиллигининг 25 йиллик қутлуғ санаси билан самимий муборакбод этади!***

*Энг улуғ, энг азиз байрамимиз муносабати билан* ***АТ «Туронбанк»*** *миллий валютада* ***«Шукрона»*** *номли муддатли янги омонат турини таклиф этади:*

- *омонатни сақлаш муддати — 1 йилдан 5 йилгача;*
- *мазкур омонатга аҳолидан пул маблағлари банк пластик карталаридаги маблағларни нақд пулсиз шаклда ўтказиш орқали қабул қилинади;*
- *омонат бўйича бошланғич бадал миқдори чекланмаган;*
- *омонат бўйича фоизлар мижоз хоҳишига кўра, ойма-ой ёки омонат муддати охирида тўлаб берилади.*

*АТ «Туронбанк»даги омонатлар Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.*



Call–марказ: (+99895) 144-60-00.
www.turonbank.uz
Хизматлар лицензияланган.

1239R/557



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 867. 76 092 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона (0-371) 233-52-55;*
*Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — Д. Содиқов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.45 Топширилди — 22.55 1 2 3 4 5 6